

Ўзбекистон Республикасида бажарилган қурилиш ишлари


2026 йил январь-февраль ойлари учун

- I. Жами бажарилган қурилиш ишлари
- II. Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари
- III. Қурилиш ишлари ҳажмининг корхоналар турлари бўйича тақсимооти
- IV. Қурилиш ишлари бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Жами бажарилган қурилиш ишлари

2026 йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистон Республикасида жами 29 177,1 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, бу кўрсаткич 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 10,6 %га ошди.

Бажарилган қурилиш ишлари динамикаси



Ҳудудлар кесимида бажарилган қурилиш ишлари

	Ҳажм, млрд сўм	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси¹	29 177,1	110,6
Қорақалпоғистон Республикаси	1 896,9	173,7
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	1 364,8	111,1
Бухоро	1 611,2	111,4
Жиззах	682,2	118,3
Қашқадарё	1 685,5	113,4
Навоий	1 332,1	106,0
Наманган	1 546,4	108,2
Самарқанд	1 655,5	112,1
Сурхондарё	1 194,6	111,8
Сирдарё	596,6	119,0
Тошкент	3 422,7	112,5
Фарғона	1 808,8	111,6
Хоразм	1 182,4	108,3
Тошкент шаҳри	8 726,1	110,4

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Қурилиш ишлари ҳажми \(ойлик\)](#)

[Қурилиш ишлари ҳажми \(йиллик\)](#)

¹ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажми қўшган ҳолда

II. Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари


2026 йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистон Республикасида бажарилган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши қуйидагича:

- бино ва иншоотлар қурилиши йўналиши 70,2 % улушни ташкил этиб, ўсиш суръати 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 7,2 %га ошди;

- фуқаролик объектлари қурилиши йўналиши 18,9 % улушни ташкил этиб, ўсиш суръати 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 25,2 %га ошди;

- ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналиши 10,9 % улушни ташкил этиб, ўсиш суръати 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 10,8 %га ошди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ўсиш суръати ва ҳажми



Иқтисодий фаолият турлари бўйича корхона турлари кесимида қурилиш ишлари

	Бино ва иншоотлар қурилиши	Фуқаролик объектлари қурилиши	Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари
Йирик қурилиш ташкилотлари ҳажми, млрд сўм	3 682,4	1 814,5	874,6
ўсиш суръати, %да	97,0	166,0	123,7
Кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳажми, млрд сўм	8 441,4	3 689,4	2 316,1
ўсиш суръати, %да	109,7	111,7	106,7
Норасмий сектор ҳажми, млрд сўм	8 358,5	0,2	-
ўсиш суръати, %да	109,6	121,9	-

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми \(ойлик\)](#)

[Бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми \(йиллик\)](#)


[Фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми \(ойлик\)](#)

[Фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми \(йиллик\)](#)

[Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми \(ойлик\)](#)

[Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми \(йиллик\)](#)

III. Қурилиш ишлари ҳажмининг корхоналар турлари бўйича тақсимооти




Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан 2026 йилнинг январь-февраль ойларида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 6 371,5 млрд сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 13,9 %га ошди. Умумий ҳажмдаги улуши 21,8 %ни ташкил этди.

Шунингдек, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 49,5 %и кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 9,7 %га ошиб, 14 446,9 млрд сўм миқдориди қайд этилди.

Норасмий секторда қурилиш ишларининг улуши 28,7 % (8 358,7 млрд сўм) бўлиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 9,6 %га ошди.

Корхона турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари (январь-февраль ойлари учун)




Худудлар кесимида корхона турлари
бўйича бажарилган қурилиш ишлари

	Ҳажм, млрд сўм			Ўсиш суръати, % да		
	Йирик қурилиш ташкилотлари	Кичик корхоналар ва микрофирмалар	Норасмий сектор	Йирик қурилиш ташкилотлари	Кичик корхоналар ва микрофирмалар	Норасмий сектор
Ўзбекистон Республикаси²	6 371,5	14 446,9	8 358,7	113,9	109,7	109,6
Қорақалпоғистон Республикаси	812,3	681,3	403,3	1 286,7	105,4	105,6
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	130,2	803,7	430,9	147,4	106,7	111,1
Бухоро	268,3	735,0	607,9	135,9	105,3	110,3
Жиззах	98,2	325,4	258,6	276,0	107,0	109,1
Қашқадарё	420,1	635,2	630,2	128,2	103,7	115,3
Навоий	271,2	610,3	450,6	91,9	112,2	107,8
Наманган	81,4	756,7	708,3	78,4	110,1	110,9
Самарқанд	247,5	1 039,7	368,3	151,6	106,1	110,5
Сурхондарё	104,0	591,2	499,4	116,5	111,0	111,8
Сирдарё	108,9	354,8	132,9	293,0	104,2	107,3
Тошкент	782,4	1 346,6	1 293,7	120,1	109,8	111,1
Фарғона	327,0	924,7	557,1	113,7	112,9	108,5
Хоразм	99,7	399,8	682,9	112,8	108,6	107,5
Тошкент шаҳри	2 149,0	5 242,5	1 334,6	106,9	112,9	106,7

Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори ўсиш суръатлари Қорақалпоғистон Республикасида (2025 йилнинг мос даврига нисбатан 1 286,7 %), Сирдарё вилоятида (293 %) ҳамда Жиззах вилоятида (276 %) қайд этилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари улуши



² Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда

IV. Услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Қурилиш ишлари – бино ва иншоотларни барпо этиш, қайта тиклаш, кенгайтириш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари мажмуаси сифатида қурилиш ишлаб чиқаришининг натижасидир.

Қурилиш ишлари қийматига қурилиш участкаларининг ўзлаштириш ишлари режасини тузиш ва тайёрлаш, сув таъминоти, иссиқлик, канализация, пойдеворларни ўрнатиш, деворларни кўтариш, бино конструкцияларини монтаж қилишнинг санитария-техника ишлари, бошқа пудрат ишлари (ишга тушириш ва созлаш, ер қатламини очиш, техник-маданий ишлар ва бошқалар) киритилади.

Қурилиш ишларининг статистик ҳисоби ҳисобот даврининг амалдаги нархларида, қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда, тўлов муддатидан қатъи назар, ҳисобот даврида ҳақиқатда бажарилган ҳажм бўйича амалга оширилади.

Қурилиш ишлари ҳажми бўйича статистик маълумотлар қуйидагилар асосида шакллантирилади:

а) қурилиш фаолиятини олиб борувчи юридик шахсларнинг статистик ҳисоботлари (ойлик, йиллик);

б) кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолиятининг чораклик танланма кузатув натижалари;

в) жисмоний шахслар томонидан якка тартибдаги уй-жой ва нотулар-жой объектлар қурилиши мониторинги билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари статистик ҳисоботлари;

г) фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойларни танлама статистик кузатуви маълумотлари;

д) якка тартибдаги уй-жойларни хўжалик усули билан таъмирлаш ҳажмини статистик баҳолаш.

Метамаълумотлар учун ҳаволалар:

<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1875/Qurilish-ishlari.pdf>

<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1877/Aholi-jon-boshiga-qurilishishlari.pdf>

Тайёрлаш учун масъул:
Инвестициялар ва қурилиш
статистикаси бошқармаси

Ижрочи:
Д. Хидиралиева
71 203-80-00 (1163)

